

**“Hunarmandchilikni saqlash va rivojlantirish
sohasida jahon amaliyoti” mavzusidagi
Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya**

MATERIALLARI



MATERIALS

**of International scientific and practical conference
“World practice in the field of preservation and
development of traditional artistic crafts”**



МАТЕРИАЛЫ

**Международной научно-практической
конференции «Мировая практика в сфере
сохранения и развития ремесленничества»**



**INTERNATIONAL FESTIVAL
OF HANDICRAFTS
KOKAND - 2023**

**“HUNARMAND” ASSOCIATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
FERGANA REGIONAL MUNICIPALITY
CENTRE FOR PROMOTION OF SCIENCE
UZBEKISTAN ACADEMY OF SCIENCES**

MATERIALS

**of International scientific and practical conference
“World practice in the field of preservation and
development of traditional artistic crafts”
21-23 September 2023, Kokand, Uzbekistan**



**“Ochun” Publishers
Tashkent – Kokand
2023**

**АССОЦИАЦИЯ «ХУНАРМАНД» РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ФЕРГАНСКИЙ ОБЛАСТНОЙ ХОКИМИЯТ
ЦЕНТР ПРОПАГАНДЫ НАУКИ
АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

МАТЕРИАЛЫ

**Международной научно-практической
конференции «Мировая практика в сфере
сохранения и развития ремесленничества»**

**Международный Фестиваль народно-
прикладного искусства
21-23 сентября 2023 г. Коканд, Узбекистан**



**Издательство «Ochun»
Ташкент – Коканд
2023**

Бахшилло Джумаев, Ўзбекистан Золотошвейное искусство Бухары: традиции и современность.....	45
Yuliya Ivanova, Rossiya Globallashuv davridagi milliy madaniy kod va ustoz obrazi haqida Yulia Ivanova, Russia On the national cultural code and the image of a master in the era of globalization Юлия Иванова, Россия О национальном культурном коде и образе мастера в эпоху глобализации	55
Behzod Xojimetov, O‘zbekiston O‘zbekistan miniature rangtasvirining zamonaviy qiyofasi Bekhzod Khadjimetov, Uzbekistan Modern image of miniature painting of Uzbekistan Бехзод Хаджиметов, Ўзбекистан Современный образ миниатюрной живописи Узбекистана...	63
Bobur Dadamuhamedov XIX-XXI asr boshlarida O‘zbekistonda zargarlik maktablarining mahalliy xususiyatlari Bobur Dadamukhammedov Local features of jewelry schools in Uzbekistan in the 19th – early 21st centuries Бобур Дадамухаммедов Локальные особенности ювелирных школ Узбекистана XIX – начала XXI веков.....	69
Roza Xaltueva, Rossiya Yevroosiyo etnik dizaynerlar uyushmasi faoliyati haqida	

Современный образ миниатюрной живописи Узбекистана

Докладчик: Бехзод Хаджиметов (PhD), профессор кафедры «Миниатюра и книжная графика» НИХД имени К.Бехзода, Узбекистан

Ўзбекистон миниатюра рангтасвирининг замонавий қиёфаси

Бугунги кунда замонавий миниатюра санъати нафақат Ўзбекистонда балки бошқа давлатларнинг тасвирий санъатида ҳам жозибадор ва мафтункор санъат турларидан бири бўлиб келмоқда. Ўзбекистонда Шарқ миниатюра санъатини анъанавий ривожланиш босқичлари ва замонавий қиёфасини ўрганиб тадқиқ этаётган олимлар, бу нафис санъат турини турли жиҳатдан кўриб чиқишга уринишмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда А.Хакимов, К.Акилова, З.Раҳимова, А.Мадраимов, А. Рахматуллаева, Б.Хаджиметов каби олимларнинг илмий-ижодий изланишларида кўриш мумкин. Миниатюра санъатини тарихий жараёнлари бугунги кунгача сақланиб қолган ноёб дурдоналарини факсимиле нусхаларини чоп этишда Э.Ртвеладзе илмий муҳаррирлигидаги “Ўзбекистон маданий мероси” муаллифлик туркумини, Ф.Ф.Абдухаликов, З.И. Раҳимова томонидан чоп этилган “Монийни хижолатда қолдирган Камолиддин Бехзод” номли китоб-альбомларини Ўзбекистон миниатюра санъатини дунёга танитишдаги катта қадам бўлди деса муболаға бўлмайди. Замонавий миниатюра рассомлари ва уларнинг иждоий асарлари ўрганиб, таҳлил этиб, олим-мухлисларга эътиборига тақдим этиш мақсадида альбомлар кўринишида чоп этилмоқда. Хусусан, А.Хакимовнинг

“Ўзбекистон хунармандчилиги дурдоналари” номли китоб-альбомда, К.Акилова муаллифлигида “Замонавий Ўзбекистон миннатори санъати” номли альбомда, А.Раҳматуллаева ва Б.Ҳаджиметовларнинг (PhD) диссертацияларида замонавий миннатор санъати ва унинг ривожига ўрганиб таҳлил этилган. 2010 йилларга замонaviй миннатор санъати Ш.Шоёқубов, К.Акилова, Э.Ғолий каби олимлар томонидан умумий кўринишда локки, коғозда, матода, деворда ишланиши каби ашёлари орқали ўрганилган ва муносабат билдирилган, лекин сўнгги йилларда Ўзбекистон миннатор санъатини бошқа рақуддан ўрганиш бошланди. Бу ўрганиш жараёнида расомларнинг кўлаётган ашёлари, ижодий йўналишлари ва композиция услулари орқали таҳлиллар қилина бошланди.

Ўзбекистон миннатор расомлари буюк мусаввир Камоллидин Бехзод анъаналарини унутмаган ҳолда ўзларининг ижодий талқинида давом эттираётган замондош мусаввирларимиз маҳорати, уларнинг асарларидаги пластик тимсолларнинг хайратланарли жозибадорлигида намён бўлди. Ўзбекистон миннатор санъатини бошқа давлатлар миннатор санъатига қараганда прогрессив суратлар билан ривожланаётгани олимларни уни янада чуқурак ўрганишга ундайди. Қайта тикланган Шарк миннатораси намуналари бу санъатнинг умрбоқийлигидан ва умумжаҳон бадиий жараёнларининг муҳим таркибий қисми эканлигидан далолатдир. XX аср охири – XXI аср бошларида миннатор санъатини Ўзбекистонда тикланиш жараёнлари ва ривожланиш босқичлари жадал сурбатлар билан шаклланиб, ҳозирги кунда котоз, мато, тошкотоз, тери, локки кутича ва панно, деворий сурат каби ўзига хос сатҳларда ишланиб “миннатор санъати амалий санъатми ёки тасвирий санъатми” деган ўзига хос илмий баҳсларга ҳам сабаб бўлмоқда. Бу йўналишларни ва ижодкорларни асарларини ўрганган ҳолда Ўзбек миннатор

санъатидати бу ижодий жараёнлар тўрт йўналишга бўлиши мумкин:

Биринчиси: бу анъанaviй миннатор рангтасвири санъатини асл анъана ва кадритларини ўрганиб, сақлаб, ўз кўринишида давом эттириб келаятган расомлар. Улар нафақат мавзулар танлашда балки композиция тузилиши конуниятларига амал қилиб келишмоқда. Ш.Мухамеджонов, ака-ука Тошевлар, К.Мирзаев, К.Омонов, К.Расулов, Б.Робоназаров каби ижодкорлар мисолида.

Иккинчиси: миннатор рангтасвири асосларини ўрганиб, миннатор композицияларидаги икки ўлчамлилик конуниятларидан фойдаланган ҳолда, анъанaviй ва ноанъанaviй, маиший ва бошқамавзуларга, ўз ижодий ишларида ўзгача ёндашган Н.Ҳолматов, Г.Камолов, Т.Болтабоев, М.Сабиров, Ш.Шоахмедов, Ф.Раҳматуллаев, У.Қосимов каби расомлар ижодий ишлари ва ҳаётий фаолиятлари мисолида.

Учинчиси: миннатор санъатидан илҳомланиб, ундаги икки ўлчамлилик қоидаларидан фойдаланиб, баъзида бузиб, ўрта аср миннатор қаҳрамонлари ва унсурларидан тулғичча фойдаланиб ўзига хос замонаviй Ўзбекистон миннаторасини шакллантираётган Б.Йўлдошев, Б.Ҳожиметов, Ш.Рихсиев, А.Каримов, Х.Мирсаатов, Х.Муҳриддинов, М.Пўлатов, А.Расулов, А.Тўхтаев каби ижодкорлар мисолида.

Тўртинчиси: китобот санъатидида миннатор асарлари билан бирга кўлланиладиган наққошлик санъати анъаналарини сақлаб, янги композициялар яратиб келаятган К.Омонов, К.Абдуллаев, К.Шоисломов каби ижодкор миннатор расомлар жамоаси ва уларнинг шогирдларини яратган асарлари мисолида.

Ушбу гуруҳга киритган расомларимиз ижоди ранг-баранг бўлиб, уларнинг баъзилари ўз ижодларида анъанaviй миннатор услуларидан фаол фойдаланган ҳолда янгича

мавзу ва композицион ечимларда ашёларни эркин танланган ҳолда ишлайди. Бошқалари эса ўрта аср миниатюра асарлари қаҳрамонларидан фойдаланган ҳолда мутлақо бошқа ракурста композициялар яратяди. Батъилари миниатюрани эслатувчи унсурлар орқали ўз асарлари қаҳрамонларини ўрта асрлардаги тарихий жараёнлар ичидда тасвирлашга уринади. Бунда улар ишлаётган композицияларини мавзу, ишлаш усули, ашёларини танлашда эркин хис қилишади.

Ижодкорлар асарларида, яққол кўзга ташланиб турган жижхат, улар ўз ижод маҳсулларида турли ашёларга мурожаат қилишган. Буларда ганч ва ёғоч ўймакорлиги, маҳобатли деворий сурат, гиламдўзлик, сопол ва шу каби ашёлар билан миниатюрани ҳамоҳанглиги, миниатюра композицияларнинг қогоз, тош қогоз, ёғоч, мато, томоша қовок, металл, лэфкас, витраж, сопол каби турли ашёларда маҳоратли ижросини кўришимиз мумкин.

Бугунги кунда миниатюра санъатинда яна бир муҳим йўналишни ажратиб ўтмасликни илжожи йўқ, бу маҳобатли деворий сурат кўринишига кўчиб ўтишидир. Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йиллариданок миллий руҳда бино ва ишоотларнинг ички қисмини безатишга алоҳида аҳамият берилга бошланди. XX асрнинг охириларида “Санои нафиса” гуруҳи миниатюрачи рассомлари Х.Назирова, Т.Болтабоев, Ғ.Қамолов, С.Мирзаев томонидан “Темурийлар тарихи давлат музейи” фойеси, М.Сабириев томонидан Қамоллидин Бехзод номидаги Шарқ миниатюра санъати музейи, Хўжаев номидаги мактаб-интернат фойеси ва маданият саройидаги ишланган ишлари, Навоий шаҳридаги “Фарход” маданият саройи фойеисига Ф.Тошмухамедов, Б.Ҳаджиметов ва Ш.Шерназаровлар томонидан ишланган “Навоий лирикаси” номли керамик паннони композициялари мисол бўла олади. Китобот санъати дурдоналари “Шоҳнома” ва “Зафарнома”

асарларидаги миниатюраларни деворий сурат ҳажмида катта қилиб ишланиши бу миниатюра санъати ривожинда янада янги тагликин бўлди. Самарқанд шаҳри аэропортининг 2022 йил август ойида битказиб фойдаланишга топширилган юкори даражадаги меҳмонлари кутиб олиш биноси деворларини безатишда буюк бобоқалонимиз Амир Темур ҳаётги фойлиятини ақс этган 18 та миниатюра асари ўз жойини муноосиб эғлаглади. Бу миниатюраларни ишлашда Ўзбекистон халқ рассоми ЎзБА академийи Ш.Муҳаммаджонов бошчилигида Ф.Раҳматуллаев, У.Қосимов, М.Сабириев, Ш.Рихсиев, Б.Ҳаджиметов каби миниатюра рассомлари ўз маҳоратларини намойиш этишди. Ушбу асарларни кўрар эканмиз Қамоллидин Бехзод ва бошқа мумтоз миниатюра мусаввирилари асарлари канча катталашмасин ўз жозибасини йўқотмаганлигини кўриш мумкин.

Юкорида келтирилган ижодкорлар асарлари мисолида шунга кўриш мумкинки, улар миниатюра санъати анъаналарида ёки гоғларни асосида бўладими ўз ижод маҳсулларида турли ашёларга мурожаат қилишган. Буларда ганч ва деворий сурат ҳамоҳанглиги, композицияларини турли ашёлар, хусусан лэфкас, витраж ва сополдаги ўзига хос ижросини кўриш мумкин. XXI асрга келиб ҳам Ўзбекистонда ижодкорлар ўз устиларида ишлаб, тасвирий ва амалий санъат асарларидан, уларнинг анъаналаридан унумли фойдаланган ҳолда янгида-янги асарлар устида изланишлар олиб боришда давом этиб келишмоқда.

Замонавий Ўзбекистон рассомлари асарларида, яққол кўзга ташланиб турган жижхат, тажрибалардан кўрқмасдан ўз композицияларини ишлашда турли ашёларга мурожаат қилишидир. Ганч ва ёғоч ўймакорлиги, маҳобатли деворий сурат, гиламдўзлик, сопол ва шу каби ашёлар билан миниатюрани ҳамоҳанглиги, миниатюра композицияларини

қоғоз, тошқоғоз, ёғоч, мато, томоша қовоқ, металл, лефкас, витраж, сопол каби турли ашёларда маҳоратли ижросини кўриб, юртимизда миниатюра санъати янада ривож топишига ишончимиз комил.

Буюк Шарқ мусаввирларидан мерос бўлиб қолган миниатюра санъати намуналаридан илҳом олиб ишлаётган замондош ижодкорларни асарларида бир нарсани, бой маданий меросдан унумли фойдаланиб ҳозирги кун ва келажак авлодлар учун бетакрор санъат асарларини қолдириш асосий мақсад бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлаш мумкин.